



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАЛАРИ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Уралов Акбарали

Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент
ахборот технологиялари университети

ORCID: 0009-0009-5889-3618

akbaraliuralov@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналар қийматини баҳолаш ва бошқариш концепциясининг назарий асослари, хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият юритаётган корхоналар қийматини баҳолаш ва бошқариш хусусиятлари ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари қийматини бошқариш самарадорлигини белгиловчи омиллар ёритиб берилган. Мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш тармоғи ўрни ва аҳамиятининг ошиб бориш шароитларида хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарда корхона қийматини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар келтирилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, корхона қиймати, корхона қийматини баҳолаш, корхона қийматини бошқариш, мижоз қаноатланиши, мижоз содиқлиги, хизмат сифати.

ОСОБЕННОСТИ ОЦЕНКИ СТОИМОСТИ И УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯМИ СФЕРЫ УСЛУГ

Уралов Акбарали

Ташкентский университет информационных
технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий

Аннотация. В данной статье изложены теоретические основы концепции оценки и управления стоимостью предприятий, особенности оценки и управления стоимостью предприятий, осуществляющих деятельность в сферах услуг, и факторы, определяющие эффективность управления стоимостью предприятий сферы услуг. Внесены предложения по повышению эффективности управления стоимостью предприятия на предприятиях сферы услуг в условиях повышения роли и значения сферы услуг в экономике страны.

Ключевые слова: оказание услуг, стоимость предприятия, оценка стоимости предприятия, управление стоимостью предприятия, удовлетворенность клиента, лояльность клиента, качество услуг.

FEATURES OF VALUATION AND VALUE MANAGEMENT OF SERVICE SECTOR ENTERPRISES

Uralov Akbarali

*Tashkent University of Information Technologies
named after Muhammad Al-Khwarizmi*

Abstract. *This article outlines the theoretical foundations of the concept of valuation and managing the value of enterprises, the specifics of valuation and managing the value of enterprises operating in the service sectors, and the factors that determine the effectiveness of managing the value of enterprises in the service sector. Proposals were made to improve the efficiency of enterprise value management at service enterprises under term of increasing the role and importance of the service sector in the country's economy.*

Keywords: *service provision, enterprise value, enterprise valuation, enterprise value management, customer satisfaction, customer loyalty, service quality.*

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади қулай инвестициявий муҳитни яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Қайд этиб ўтиш жоизки, ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат улуши сақланиб қолаётган иқтисодиёт тармоқлари ва йирик корхоналарда бозор механизмларига тўлақонли ўтиш бирмунча суст бораётганлиги, янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални хусусийлаштириш жараёнларига фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган замон талабларига жавоб бермаётганлиги кўзга ташланмоқда. Қайд этиб ўтилган муаммоларни ечиш борасида давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий бошқарув усуллари, бозор тамойилларини жадал жорий этиш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида бозор муносабатларига босиқичма-босқич трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активлари рўйхати белгиланди.

Мамлакатимизда яқин йилларда Давлат корхоналарини 2030 йилгача ислох қилиш ва хусусийлаштириш стратегияси доирасида 29 та давлат иштирокидаги йирик корхона устав капиталидаги акциялар пакетини (улушларни) нуфузли халқаро профессионал консультантларни жалб қилган ҳолда оммавий савдоларга чиқариш ҳамда 12 та давлат иштирокидаги йирик корхона устав капиталидаги акциялар пакетининг халқаро ва маҳаллий фонд бозорларида бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифини ўтказиш кўзда тутилган. Шў ўринда қайд этиб ўтиш ўринлики, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра жаҳон мамлакатлари умумий ялпи ички маҳсулотининг 66,2 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида яратилар экан. 2025 йил яқунлари бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56,8 фоиз қисми хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари томонидан яратилмоқда, шу боис иқтисодиётда фаолият юритаётган корхоналарнинг аксарият қисми хизмат кўрсатиш тармоғига тўғри келади. Шу сабаб биз ўз тадқиқотларимизда хизмат кўрсатиш корхоналари қийматини баҳолаш ва бошқариш хусусиятларини ўрганишга алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу кунда мамлакатимизда давлат иштирокидаги

корхоналарнинг бозор шароитларига тўлиқ ўтишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини тўлақонли татбиқ этиш ҳамда хўжалик субъектлари ижро этувчи органлари фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари асосида, кузатув кенгаши фаолиятини эса корпоратив бошқарув тамойилларининг жорий этилиши даражасига қараб баҳолашга ўтиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бизнинг фикримизча, келажакда хусусийлаштирилиши кутилаётган давлат корхоналарининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш миллий корхоналар фаолиятига жаҳоннинг йирик компанияларини самарали бошқариш амалиётида муваффақиятли қўллаб келинаётган корхона қийматини ўстиришга қаратилган бошқариш амалиётини қўллаш орқали эришилади.

Адабиётлар шарҳи.

Бу ҳолат хорижий мамлакатларда бозор муносабатлари шароитида корхоналар қийматини бошқариш тажрибасини ва бозор иқтисодиётини самадорлигини кўтариш йўллариини ўрганиб, миллий иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда корхоналарда бозор муносабатларига мос келадиган бошқарув ҳамда молия тизимини жорий этилишини талаб этади. Жаҳон иқтисодиёти амалиётида бу илмий-амалий йўналиш «қийматга асосланган менежмент» (Value Based Management - **VBM**) номини олди. Бу ҳолатда бошқарувни ташкил этишда ҳар қандай компания менежментининг барча ҳаракатлари асосий мақсадга яъни компания бизнеси қийматини максималлаштиришга йўналтирилади.

Корхоналар қийматини бошқариш фундаментал концепцияларидан бири Дамодаран (2008) тадқиқотларида ёритиб берилган бўлиб унда корхона қийматини асосан дисконтланган пул оқимларининг кўпайтириш ҳисобига ўстириш мумкин деб қаралади. Муаллифнинг фикрича дисконтланган пул оқимларини ошириш тўрт хил услубда корхона қиймати кўшимча миқдорни яратиш имконини беради:

- корхоналар тассаруфида мавжуд бўлган активлари томонидан яратиладиган пул оқимларини ошириш ҳисобига, бу ҳолатда корхоналар асосий ва айланма капиталига кўшимча инвестиция жалб қилмасдан балки мавжуд активлар айланиш даражасини ошириш кўзда тутилади;
- корхона тасарруфида қолган соф фойдани реинвестиция қилиш ёки инвестиция қилинган капиталдан (инвестиция сифатини ошириш) олинадиган натижани ошириш;
- корхона қийматини ўсиш суръатларини баланд ҳолатда маълум бир муддатга ушлаб туриш ҳисобига эришиш;



1-расм. Хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналари қийматини оширувчи омиллар

- корхона томонидан жалб қилинган капитал қийматини камайтириш ҳисобига, бунга инвестицияланган капитал операцион рискинни камайтириш ёки жалб қилинаётган ресурсларнинг молиявий шартларини яхшилаш ҳисобига эришиш таклиф этилади.

Ушбу муаллифнинг яна бир асарида хизмат кўрсатиш корхоналари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда корхона қийматини оширувчи асосий омиллар сифатида қуйидагилар қайд этилган (1-расм).

Бошқа бир муаллифлар гуруҳининг фикрича корхона молиявий қийматни аниқлаш ва бошқариш бўйича тадқиқотлар дастлабки нуқтаси бўлиб корхона жорий адолатли қийматини аниқлашдан бошланмоғи лозим. Кейинги босқичдан корхонада мавжуд пул оқимларини ва корхона ички имкониятларини инобатга олган ҳолда корхона салоҳиятли ҳақиқий қиймати аниқланмоғи керак. Ушбу баҳолаш жараёнлари орқали аниқланган корхона қиймати корхонанинг очиқ фонд бозорида акцияларининг котировкаси билан солиштириб кўрилмоғи лозим ва акционерлар манфаатларига мос келадиган молиявий стратегик қарор қабул қилиниши лозим. Бу таққослаш жараёнлари қанчалик даражада корхонанинг бозор қиймати билан корхона менежерлари томонидан аниқланган қиймат ўртасида фарқ даражасини ва корхонани инвесторлар ва менежерлар томонидан молиявий ривожланиш келажагини кўрсатиб беради.

Корхона қийматини бошқаришнинг яна бир йўналиши Уолш (2012) томонидан белгилаб берилган. Муаллиф фикрича, корхона қийматини бошқаришда корхона фаолиятида асосий ҳисобланган учта кўрсаткич ҳисобланган фойда миқдори, айланма активлар миқдори ва корхона қиймати ўртасида ўзаро мутаносиблик бўлмоғи керак. Корхона менежерлари ўз фаолиятларида мана шу учта кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликни аниқлай олишлари лозим йўқса учликдан бирортаси томонига оғирлик маркази ўзгарган шароитда корхона фаолиятида жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин деб муаллиф ҳисоблайди.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар қийматини бошқаришнинг аналитик услубларидан бири рус олими Мордашов(2011) томонидан келтирилган бўлиб бунда корхона қийматининг ўзгариши унга таъсир этувчи омилларга таъсирчанлик (чувствительность) коэффицентлари орқали ифода этилган. Муаллиф фикрича корхона қийматига таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирининг миқдори маълум бир бирликга ўзгариши корхона қийматининг ўзгаришига олиб келади

Ушбу муаллифлар гуруҳи бизнес қийматини баҳолаш замонавий иқтисодиётда стратегик аҳамиятга эга эканлигини ҳамда компания қийматини нотўғри баҳолаш акциядорлар, инвесторлар, сотувчи ва харидорлар манфаатларига зарар етказиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Улар фикрича «нарх» ва «қиймат» тушунчаларини фарқлай олиш корхона қийматини бошқаришда муҳим роль эгаллайди. Нарх (Price) – бозорда амалга оширилган битим суммаси, қиймат (Value) – компаниянинг ҳақиқий иқтисодий қиймати ва баҳолаш – ушбу қийматни аниқлаш жараёни. Компания қийматини билиш нафақат сотиш ёки қайта ташкил этиш учун, балки узоқ муддатли стратегик бошқарув учун ҳам муҳим. Муаллифлар фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, корхона қийматини мунтазам баҳолаш менежерларга қиймат драйверларини аниқлаш, инвестиция қарорларини қабул қилиш ва акциядорлар бойлигини ошириш имконини беради (Christian,2017)

Мазкур мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида қиймат (value) ва қиймат яратиш (value creation) тушунчаларини бошқарув нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиб муаллиф хизмат кўрсатиш тармоғида корхона қиймати қандай яратилишини эмас, балки мижоз учун қиймат қандай вужудга келишини ёритиб беришни мақсад қилиб қўяди. Муаллифнинг фикрича хизмат кўрсатиш тармоғида қийматни корхона ёки компания эмас, балки мижоз яратади. Компания фақат қиймат яратилиши учун шарт-шароит ва

ресурсларни тақдим этади. Қиймат маҳсулот ёки хизмат сотилганда эмас, балки мижоз ундан фойдаланиш жараёнида шаклланади (Tarczynski, 2020).

Муаллиф хизмат кўрсатиш тармоғида корхона қиймати яратишнинг уч босқичли модели ғоясини илгари суради. Қиймат корхона босқичида, мижоз фаолияти соҳасида, ҳамда корхона ва мижоз ўртасида мавжуд ҳамкорлик соҳасида яратилади. Биринчи босқичда хизмат лойиҳалаштирилади, ресурслар режалаштирилади, тақсимланади ва технологиялар тайёрланади, мижоз учун қиймат салоҳияти яратилади. Муаллифнинг фикрича том маънода бу босқичда ҳали ҳақиқий қиймат яратилмайди, балки фақат қиймат яратиш имконияти мавжуд бўлади. Иккинчи босқичда қийматнинг ҳақиқий яратилиши амалга оширилади. Бунда мижоз хизматдан фойдаланади, ўз эҳтиёжларини қондиради, хизматнинг мезонлари (сифат, нархи, тезлиги ва бош.) борасида тажриба ҳосил қилади ва натижада корхона учун натижада қийматни шакллантиради. Шу боис хизмат кўрсатиш тармоғи корхонасида қийматни асосий яратувчиси мижоз ҳисобланади. Якуний учинчи босқичда компания ва мижоз ўртасида фаол мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик мавжуд бўлса, узоқ муддат давомида мижоз содиқлигига эришилганда улар биргаликда доимий ҳамда давомий равишда корхона қийматини яратадилар.

Яна бир олимлар гуруҳининг илмий мақоласида келтирилган ғоя VBM концепциясига яқин бўлиб, компания раҳбариятининг асосий вазифаси компаниянинг бозор капитализацияси даражасини эмас, балки корхонанинг фундаментал қийматини оширишдан иборат эканлигини таъкидланади. Муаллифлар таклифига қисман қўшилган ҳолда хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналарида менежменти учун корхона қийматини бошқаришнинг асосий объекти бозор нархи эмас, балки фундаментал қиймати эканлигига ҳамда корхона қийматини бошқариш моделида молиявий барқарорлик, рентабеллик, инвестицион фаоллик ва интеллектуал капитал каби омилларни асосий драйверлар сифатида қаратилиши мақсадга мувофиқ.

“Корхонанинг фундаментал қиймати” концепцияси маҳаллий олимлар эътиборида ҳам бўлиб унда корхонанинг фундаментал қиймати корхонанинг ҳар томонлама баҳоланган моддий ва номоддий бойликлари мажмуи бўлиб, уни бошқариш самарадорлиги даражаси ва натижаларини акс эттирувчи, бозор қийматини максимал даражада оширишга олиб келадиган барча иқтисодий кўрсаткичларнинг мажмуи орқали ҳисобланади. Бу манбада келтирилган илмий ғоя ишлаб чиқариш корхоналари учун илгари сурилган бўлию хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари учун мослаштирилиб қаралмаган.

Юқорида келтирилган олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар мазмуни ва уларни ўрганиш натижаларини умумлаштирган ҳолда хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналарида қиймат яратиш жараёнлари хусусиятларини инобатга олиб ушбу кунда мазкур соҳа корхоналар менежменти учун қуйидаги хулоса ва тавсияларни шакллантириш ўринли деб ҳисоблаймиз:

- хизмат кўрсатиш жараёнларида мижоз бевосита иштирок этиши мижоз учун хизматлар сифати ва кўламини баҳолаш имконини беради;

- корхона қийматини баҳолашда корхонада мавжуд моддий неъматлар эмас, номоддий активлар муҳим ўрин тутди;

- хизмат кўрсатиш тармоқлари соҳаларида мижозларнинг ўзгарувчан талабларини қаноатлантирадиган хизматлар таклиф этиш;

- корхонада қиймат яратиш омили сифатида соф пул оқимлари мижозларни сони ва уларнинг хизматлардан қаноатланиш даражасига боғлиқ;

- мижоз томонидан корхона хизматларидан фойдаланиш ва корхона учун қиймат яратиш жараёнини ходимлар томонидан тушуниш;

- мижознинг хизматдан фойдаланиш тажрибасини (жумладан янги хизмат турлари бўйича ҳам) яхшилаб бориш;

- мижозга корхона қийматини яратиш жараёнидаги муҳим ва асосий субъект сифатида қараш;
- фақат хизматни маҳсулот сифатида сотишни эмас, балки хизмат кўрсатиш жараёнларида юзага келадиган мижоз муаммоларини ҳал қилиш;
- ҳар бир мижоз билан узоқ муддатли барқарор муносабатлар ўрнатиш;
- узоқ муддат давомида корхона ва корхона томонидан амалга ошириладиган хизматларга нисбатан мижоз содиқлигига эришиш;
- корхона қийматини яратишда мижоз билан алоқа воситаси сифатида ахборот ва рақамли технологияларнинг аҳамиятининг кучайиши;
- мижоз билан хизматдан фойдаланиш ва корхона қийматини биргаликда яратиш платформаларини шакллантириш.

Бизнинг фикримизча қайд этилган таклифлар ва тавсияларни хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналари менежменти томонидан иноватга олиниши мазкур корхоналарда корхона адолатли қийматининг муқим, мунтазам ҳамда барқарор ўсиб борилишига эришилади.


Шу ўринда юқорида келтирилган илмий-амалий тадқиқотларда илгари сурилган ғоя ва таклифларни ўрганиш ва шарҳлашни якунига етказган ҳолда юқорида қайд этилган тадқиқотлар натижаларини мамлакатимиз хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналари учун қанчалик муҳим акс эттишини тадқиқ этишга тўхталиб ўтамиз.

Тадқиқотлар методологияси.

Мазкур илмий мақолани тайёрлаш жараёнида корхоналар қийматини баҳолаш ва бошқариш борасида мавжуд назарий ва амалий концепциялар ўрганилиб, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш тармоғида фаолият юритаётган корхоналар амалиётига жорий этиш имкониятларини тадқиқ этилган. Мақолани тайёрлашда иқтисодий аналитика, статистик ва таққослаш услубларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналари иқтисодий фаолияти натижаларининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрнига баҳо беришда хизмат кўрсатиш тармоғининг ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасини таққослаш ҳамда бунда хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналарининг аҳамиятини ўрганиш ўринлидир. Биз ўз тадқиқотларимизда Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг 2010-2025 йилларда кузатилган, тадқиқотларимиз объекти ва предметиға тегишли бўлган расмий маълумотлари манбасидан фойдаландик.



2-расм. 2010-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ва хизмат кўрсатиш тармоғи ўсиш динамикаси, фоизда


Қуйида келтирилган графикдан кўриниб турибдики, 2025 йилга келиб мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 261,6 фоизга ўсган бўлса хизмат кўрсатиш тармоғида яратилган маҳсулот, амалга оширилган хизматлар ва бажарилган ишлар ҳажми ўсиш суръатлари олти баробардан кўп ўсган бўлиб 619, 1 фоизни ташкил этган.

Бу ҳолат ўз навбатида хизмат кўрсатиш тармоғининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамиятига ижобий таъсир ўтказмасдан қолмаган. 2010 йилда мамлакатимизда яратилган ялпи ички маҳсулот таркибда хизмат кўрсатиш тармоғининг улуши 30,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб мамлакатимиз хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналарининг ялпи ички маҳсулотда тутган ўрни 56,8 фоизни ташкил этмоқда.



3-расм. Хизмат кўрсатиш тармоғининг ЯИМ улуши, фоиз


Шу ўринда тадқиқотларимиз хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари қийматини баҳолаш ва бошқариш муаммоларига бағишланганлигини инобатга олган ҳолда мазкур соҳада фаолият юритаётган корхоналар сони ҳақида маълумотни келтириш ўринли. тармоқларида фаолият юритаётган корхоналар сони динамикаси, минг бирлик



4-расм. 2014 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида ва хизмат кўрсатиш

2014 йилда мамлакатимизда рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган (фаолияти тугатилган корхоналар бундан истисно) жами сони 249,7 минг бирликни ташкил этиб, шундан 157,8 мингтаси (63,2 фоизи) хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари тоифасига мансуб бўлган. 2025 йил якунига келиб мамлакатимизда умумий фаолият юритаётган корхоналар сони 474,9 мингга бўлиб улардан 336,7 мингтаси, яъни 70,9 фоиз қисми мамлакатимиз хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳамда мамлакат иқтисодиётининг бошқа соҳасида фаолият юритаётган корхоналар аниқ сонининг нисбати қуйида келтирилган диаграммада яққол намоён бўлди.



5-расм. 2025 йил якунида хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда фаолият юритаётган корхоналар сони, бирлик

2025 йилда мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг умумий сони 474 899 та бўлиб шундан 336 723 бирлиги хизмат кўрсатиш тармоқларида ва 138 176 бирлиги иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларда фаолият юритмоқда.

Қайд этиб лозимки, тадқиқотларимиз олдида хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари қийматини баҳолаш ва бошқариш услубиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар юқорида келтирилган мамлакатимизда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш тармоқлари барча корхоналари учун бир хил, ягона ҳамда барчаси учун тўғри келадиган тавсия сифатида қабул қилиниши лозим деган фикрда эмасмиз. Хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари қийматини баҳолаш ва бошқаришда корхоналар фаолият юритаётган соҳа (ахборот ва алоқа технологиялари, молия, банк, суғурта, тиббиёт, транспорт, маиший хизмат ва бошқалар) хусусиятлари ва кўлами инобатга олиниши лозим.

Хулосала ва таклифлар.

Мазкур илмий мақолани тайёрлашда иқтисодий фанда корхоналар қийматини баҳолаш ва бошқариш, жумладан хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари қийматини баҳолаш ва бошқариш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш тармоғининг ўрни ҳамда мазкур соҳада фаолият юритаётган корхоналар борасида тадқиқотлари якунида қуйидаги илмий хулосаларни келтириш мақсадга мувофиқ:

Хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари қийматини баҳолаш ва бошқаришда корхона фаолиятини амалга ошириш борасида кўрсаткичлар фойда, соф пул оқими, инвестициялар рентабеллик даражаси, корхона тассаруфидаги активлар самарадорлик даражаси, жалб қилинаётган капитал қиймати ва бошқа қатор молиявий кўрсаткичлар муҳим ўрин тутди.

Хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари қийматини бошқариш самарадорлигини оширишда молиявий кўрсаткичлар билан биргаликда хизматлар

сифатининг мижозлар талабларига мослаштириш, мижознинг хизматдан фойдаланиш тажрибасини яхшилаб бориш, мижозга корхона қийматини яратиш жараёнидаги муҳим ва асосий субъект сифатида қараш, ҳар бир мижоз билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш, амалга ошириладиган хизматлар учун мижоз содиқлигига эришиш каби номолиявий кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этади.

Хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари қийматини баҳолаш ва бошқариш амалиётини корхоналар фаолият юритаётган ахборот ва алоқа технологиялари, молия, банк, суғурта, соғлиқни сақлаш, транспорт, савдо ва бошқа соҳаларда мижозларга хизмат кўрсатиш хусусиятларини, мижозлар базасини шакллантириш, корхона мавқеи, ҳажми, кўлами ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб мезонларни инобатга олган ҳолда амалга ошириш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар /Литература/References:

Aswath Damodaran. (2008) *Value Creation and Enhancement: Back to the Future*. NYU Working Paper No. FIN-99-018. 72 Pages Posted: 7 Nov;

Асват Дамодаран.(2019) *Инвестиционная оценка. Инструменты и методы оценки любых активов*. М.: Альпина Паблишер, стр. 1316;

Sinem Derindere Köseoğlu va Saad Salman (2020) *Awad Almeany Introduction to Business Valuation, January* In book: *Valuation Challenges and Solutions in Contemporary Businesses* (pp.1-23) DOI:10.4018/978-1-7998-1086-5.ch001

Tarczyński W., (2020) Tarczyńska-Łuniewska M., Majewski S.(2020) *The value of the company and its fundamental strength January* , *Procedia Computer Science* 176:2685-2694 DOI:10.1016/j.procs.

Christian (2017) Grönroos *On Value and Value Creation in Service: A Management Perspective, October Journal of Creating Value* 3(6) DOI:10.1177/2394964317727196

Коупленд Т., Коллер Т., Муррин Ж. (2015) *Стоимость компаний: оценка и управление*. М.: Олимп-бизнес, стр. 576

Мордашов С.Н. (2011) *Рычаги управления стоимостью компании*. «Рынок ценных бумаг» журналы, 5-сон

Мордашов С.Н.(2011) *Рычаги управления стоимостью компании*. «Рынок ценных бумаг» журналы, 5-сон

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг очиқ маълумотлари тўплами. Электрон манба:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2020) 27 октябрь ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2025) 21 апрель ПҚ-145-сон “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида” Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2026) 16 февраль ПФ-21-сон “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони

Эшов М.П. (2020) *Корхонанинг фундаментал қийматини бошқариш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори (DS) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати* – Тошкент..-66 б